

## Бешинчи ташаббус амалда

2020 йилнинг 10 февраль куни Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Р.Чориев, бўлим бошлиғи З.Хайдаров, декан Б.Норов, Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти фаоллари ҳамда факультетларнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонилари З-талабалар турар жойидаги тикувчилик цехига ташриф буюришди. Ташриф чоғида талаба-қизларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш юзасидан мазкур цехда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди.



Жумладан, тикувчилик цехи бутунлай ишга тушиб айни пайтда талаба-қизларимиз томонидан буюртмалар бажарилаётганига гувоҳ бўлинди. Шунингдек, қизларнинг барчалари ўзбек миллий адрес матосидан либос кийиб олганлари хам ташриф буюрганларга кўтаринки кайфият бағишилади ва бу эса киска вакт ичida қизлар меҳнати самарасини намоён этди. Тикиш ишидан ташқари талаба-қизларимиз томонидан либослар дизайнни устида ишлар ҳам олиб борилаётгани барчани қувонтириди.

